



# Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 19 апрель, № 80 (8975)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 апрель куни дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг соҳа ва тармоқларга таъсирини камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақон иқтисодиётининг ажралмас қисми. Оқилона ташқи сиёсат ва қулай инвестициявий муҳит натижасида тадбиркорларимизга янги бозорлар очилмоқда, маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

Гарвард университетининг таҳлилига кўра охириги беш йилда “иқтисодий мураккаблик индекси”да Ўзбекистоннинг ўрни 25 поғона яхшилланган. 162 турдаги миллий маҳсулотларимиз “дунё бозорида рақобат устуңлигига эга”, деб баҳоланган.

Буларнинг натижасида охириги йилларда мамлакатимиз экспорти 2,2 баробар ошди. Ташқи савдо айланмаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 57 фоизга етди. Бу — иқтисодиётимиз ташқи бозорларга қанчалик боғлиқ эканини кўрсатади.

Лекин ҳозир дунё аввалгидек эмас. Ўзгарувчан муносабатлар, турли тариф ва чекловлар бошқа давлатларга ҳам занжирли таъсир кўрсатиб, ҳақон иқтисодиётининг секинлашиши ва халқаро савдо камайтилишига олиб келяпти.

Масалан, уч-тўрт кун ичида халқаро молия бозорларида 10 триллион доллар йўқотилди. Юқори тарифлар оқибатида халқаро савдо ҳажми 3,5 триллион долларга қисқариб, дунёдаги инфляция даражаси 7,5-8 фоизга кўтарилиши прогноз қилинмоқда.

Энг катта хавф — пандемия давридагидек дунё бўйлаб таъминот ва қиймат яратиш занжирларида узилишлар пайдо бўлишидир. Айниқса, бундай ҳолат ҳақон экспортда юқори улушга эга тўқимачилик, электр техникаси, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқларга катта зарба бериши мумкин. Оқибатда рақобат янада қийин ва аёвсиз бўлади.

Президент бундай шароитда фақат ўз кучимиз ва ички имкониятларимизга таяниб

дадил қадам ташлаш кераклигини таъкидлади. Ҳар бир вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари аниқ-аниқ режа қилиб, ишлаб чиқариш, экспорт билан шахсан шуғулланиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун давлат томонидан зарур ҳуқуқий, ташкилий ва амалий чоралар қўрилади. Шу мақсадда яқинда 3 мингдан зиёд тадбиркорлар билан учрашилиб, муаммолари ўрганилган. Энг кўп масала стандарт ва сертификация тизимига оид бўлган.

Юртимиздаги 25 мингдан ортиқ стандартлар, 41 та техник регламент халқаро бозор талабларига мос келмайди. Бу эскирган талаблар ва бюрократия тадбиркорларнинг “қўлини боғлаяпти”, коррупцияни келтириб чиқараяпти. Устма-уст сертификатлаш амалиёти ҳалигача давом этаётгани сабабли одамлар сарсон бўляпти.

Инвесторлар биздаги кўп лабораториялар талабга жавоб бермаслигини, ривожланган давлатлар стандартлари эса тан олинмаётганини айтаяпти. Ёки аксинча, биздаги лабораторияларнинг ҳулосаси чет элларда тан олинмайди. Шу боис экспортчилар сертификат олиш учун хорижий давлатларга намуна жўнатапти.

Ҳозирги тизимда сертификатлаш органлари бозор назоратини ҳам олиб боради, бу эса манфаатлар тўқнашувига олиб келяпти.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлили ҳамда ишбилармонларнинг тақлифлари асосида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самардорлигини ошириш тўғрисида Президент Фармони имзолангани эълон қилинди.

Ушбу Фармонда техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария-эпидемиология, ветеринария, карантин идораларининг маҳсулот-

га ҳулоса бериш ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Такрорланувчи ва устма-уст тартиблар босқичма-босқич бекор қилинади.

Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги назорати билан фақат Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси шуғулланади. Озиқ-овқат учун техник регламентлар ва стандартлар мажбурийлиги бекор қилинади. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича санитария қоидалари ва нормалари халқаро стандартлар тизими — “Кодекс Алиментариус”га мувофиқлаштирилади. Шунингдек, хавф даражаси юқори бўлган 7 та товар гуруҳидаги маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Сертификация олиш мажбурий бўлган товарлар рўйхати қисқартирилиб, маҳсулот мувофиқлигини декларациялаш амалиёти жорий қилинади. Асбоб-ускуна, хомашё, махсус техника, транспорт импортида юртимизда тан олинмайдиган хорижий сифат ва назорат тизимлари мезонлари ишлаб чиқилади. Уларнинг импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайди.

Ушбу тартибларни ўз ичига олган “Бозор назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурати қайд этилди.

Стандартлаштириш, санитария-эпидемиология ва карантин соҳаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий корхоналарга йўл очиб, ишлаб чиқаришни ва экспортни қўлайитириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Юқорида қайд этилган Фармонга асосан энди четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби

тўлиқ халқаро қоидаларга мослаштирилади.

Шу пайтгача қиммат бозорларда талаб юқори бўлган айрим товарлар экспортга чеклов қўйилган эди. Энди 1 июлдан бошлаб бирорта товарнинг экспортга чеклов бўлмайди. Фақат 86 та товар гуруҳига кирувчи хомашё ва ижтимоий аҳамияти юқори маҳсулотларга нисбатан экспорт божлари жорий қилинади.

Сўнгги йилларда маҳаллий саноатда қандолат ва салқин ичимликларнинг ўрни ошди. Бу тармоқларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим. Шу боис шақарга акциз бекор қилинади. Қуруқ сут импортига қўйилган чекловлар ҳам олиб ташланади.

Бунинг натижасида қарийб 40 минг одам ишлайдиган қандолат ва салқин ичимлик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг йиллик айланмаси камида 50 триллион сўмга етади.

Жойларда маҳаллий Кенгашлар ер солиғи ва ижара тўловларида 2 баробаргача оширувчи коэффицент белгиламоқда. Лекин бунинг бизнесга таъсирини ўрганиб, тадбиркорларнинг имкониятидан келиб чиқиб кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Аксинча, уларга юкларни камайтириб, фаолияти кенгайтирилса, тушум кўпаяди. Энди тадбиркорларга ҳам ушбу солиқларни йилда иккига бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Мутасаддиларга олимлар ва тадбиркорларни жалб қилиб, солиқ-божхона сиёсати ва маъмуричилигини янги босқичга кўтариш бўйича тақлифлар киритиш топирилди.

Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар ҳамда ҳокимлар ишлаб чиқарувчи ва экспортчилар билан доимий мулоқотда бўлиши, ҳеч бир мурожаат четда қолмасдан, тезда ҳал этилиши зарурлиги таъкидланди.

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Давлатимиз раҳбарига энергетика соҳасидаги вазифалар ижроси ва янги лойиҳалар юзасидан ахборот берилди.

Аҳолининг энергия манбаларида талабни қондириш мақсадида ҳар йили кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ишлар натижасида охириги беш йилда электр энергияси ишлаб чиқариш 30 фоиз кўпайиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етди.

2035 йилда юртимизда электр истеъмоли 121 миллиард киловатт-соат бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Шу боис узоқни ўйлаб, энергетиканинг барча йўналиши-

ни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. 2030 йилга бориб жами генерацияда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бунда энг салоҳиятли йўналишлар сув ва атом қувватларидан фойдаланишдир.

Хусусан, 2025-2026 йилларда умумий қуввати 167 мегаватт бўлган 2 983 та микроГЭС барпо этиш белгиланган. Ушбу лойиҳалар натижасида 500 миллион ки-

ловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади, 151 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади. Қурилиш даврида 1 200 нафар, лойиҳалар ишга тушгандан кейин 520 нафар фуқаро ишли бўлади.

Тақдиротда энергетика вазири жорий йилда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ахборот берди. Қайд этилганидек, бу йил қуввати 65 мегаватт бўлган 1 минг 185 та микроГЭС барпо этилади.

Уларнинг аксарияти тадбиркорлар томонидан ишга туширилади.

Келгусида атом энергияси ҳам базавий манбалардан бирига айланиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда юртимизда кичик қувватли атом электр станцияси қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Бўлажак станциянинг ҳар бир босқичи — лойиҳалаштиришдан то битгунга қадар Халқаро атом энергияси агентлигининг қатъий назорати остида бўлади,

жаҳоннинг энг илғор тажрибала-ри ва хавфсизлик талаблари татбиқ этилади.

“Ўзатом” агентлиги раҳбари шу борадаги музокаралар ва келишувлар, лойиҳанинг бориши юзасидан ахборот берди.

Режадаги иншоотларни ўз вақтида ишга тушириб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини қўшимча энергия билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА.

### Тадбир тафсилотлари

## Тарихий ғалабада Ўзбекистоннинг ҳам ҳиссаси беқиёс

Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентларо Ассамблеясининг баҳорги сессияси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегациясининг ассамблея тадбирларидаги иштироки давом этмоқда.

Кеча тадбир меҳмонлари Санкт-Петербург шаҳрида МДХ Панинг 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида иштирок этди.

Тадбирда МДХ иштирокчи давлатлари парламентлари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Тантанали мажлисда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари тадбир иштирокчиларини Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, ушбу сана бутун инсоният учун улуг қадриятлар — тинчлик, матонат ва ҳамжиҳатлик тиймоси эканини таъкидлади.

Буюк Ғалаба — фашизмга қарши елкама-елка курашган барча халқларнинг умумий зафари. Уруш йилларида Ўзбекистон халқининг фронтда ҳам, фронт ортида ҳам қўрсатган беқиёс жасорати ва меҳнати алоҳида эътироф этилди.

1941 — 1945 йиллар мобайнида мамлакатимиздан

қарийб 2 миллион киши сафарбар қилинган, уларнинг яқиндан кўпи жангларда ҳалок бўлгани, яралангани ёки бедарак йўқолгани таъкидланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон 1,5 миллиондан ортиқ эвакуация қилинган кишиларни — кексалар, аёллар ва болаларни, шу жумладан, 250 минг етим болани қабул қилгани, уларга бошпана бергани ва ғамхўрлик кўрсатгани алоҳида урғуланди.

Ғалабага олиб борган йўл фақат қўрол билан эмас, балки фронт ортидаги меҳнат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик туйғулари билан ҳам таъминланган. Уша йилларда Ўзбекистонга 170 дан зиёд завод ва фабрикалар эвакуация қилиниб, қисқа муддатда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилган.

Бундай тарихий сана халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳамда ёш авлод учун тинчлик, бағрикенглик сабоғи сифатида хизмат қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Вакиллик ҳокимияти органлари:

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАР, НАТИЖАДОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА



17-18 апрель кунлари Тошкент шаҳрида “Вакиллик ҳокимияти органлари тизимини модернизация қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий муаммолари: Ўзбекистон учун халқаро тажриба” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

### Халқаро анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти томонидан Конституциявий суд ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган анжуманда депутатлар, сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раислари, вазирлик ва идоралар, таҳлилий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Буюк Британия, Словения, Франция, Польша, Япония, Хитой, Туркия, Қозғистон ва Тожикистондан экспертлар ҳамда олимлар, Венеция комиссияси, ЕХХТ ва GIZ каби халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда янги таҳрирдаги Конституция шароитида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, уларнинг фаолиятига оид ёндашувлар муҳокама қилинди. Шунингдек, қонунчилик фаолияти, парламент назорати, вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли масалалари ҳам атрафлича қўриб чиқилди. Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасига оид маълумотлар, экспертларнинг тақлифлари тингланди.

Сўзга чиққан халқаро экспертлар



### Ифтихор

## БОБУР ШАҲРИ ВАСФИДА

Ҳар ишнинг ўз вақт-соати, даври бор, Бу дунёда энди Бобур шаҳри бор.

Бобур, яъни Заҳириддин Муҳаммад, Энг олий шон — она юртга муҳаббат.

Яхши-ёмон кечган ҳар ишдан огоҳ, Шаҳрингизга хуш келибсиз, Бобуршоҳ!

Сизни буюк мусофир деб айтганлар, Ортингиздан қолмиш айтиб “атманг”лар.

Андижонни анда жонга тор этган, Ўз юртида ўз юртига зор этган.

Салтанатнинг тўнин кийган — шод ўлмас, Бунда ором, бунда ҳаловат бўлмас.

Темурийлар сулоласин қўл қарси, Сиз энг ёвқур, Сиз энг кенжа йўлбарси.

Умрингизнинг ҳар они, ҳар дамида — Юрандирсиз кескир қилич дамида.

Не деб қутлар эди Умаршайх Мирзо? Ота ризо, демак, Худо ҳам ризо.

Ўз уйингиз, ўз сувингиз, наҳрингиз, Олампаҳо, қутлуг бўласин шаҳрингиз!

Даҳри дуннинг бағрин доим тош кўрдим, Кўзингизда ғилтилаган ёш кўрдим.

Бу гапларни мен айтмадим атайин, Аввал айтган ташбеҳимга қайтайин:

Юз оҳ, Бобур, юз оҳ, Бобур, оҳ Бобур, Подшоҳлар ҳам йиғларкан-да, воҳ Бобур!

Ярми Ҳинду, ярим кўнгли Афғонда, Бутун умри кечмиш дарду армонда.

Тескаридан ўқилса: Бобур — рубоб, Бу рубобнинг қалан куйи ранж, азоб...

Бугун Сизни қутлар аҳли Андижон, Янги замон қуранларга шараф-шон!

Кўкка қараб қатор-қатор чўзмиш бўй, Янги ўйда қутлуг байрам, янги тўй.

Мактаб борар ораста ҳам озода, Ҳар ўғил-қиз хонзода ҳам шахзода.

Комрон билан Ҳумоюнни чорлангиз, Навкарларни қўш ёндан қаторлангиз.

Беш юз йиллар кечмиш, сезгум баногоҳ, Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

Ҳар косиб, ҳар деҳқон, ҳар чўпонгача, Ҳўжандан то Испону Ёпонгача —

Бу хушхабар алқаб даври замонни, Овозаси тутди рўйи жаҳонни.

Андижоннинг аэропорти кўп кўркам, Хавасларим келар боқиб, жон ўлкам.

Ярқираган “Боинг”ларга бандаргоҳ — Шаҳрингизга хуш келдингиз, Бобуршоҳ!

“Бобурнома” айнаи обу тобида, Бу бир мангу емирилмас обида.

Худди шундай бунёд бўлмиш устувор, Демак, давлат пойдор, Ватан ҳам пойдор.

Ҳали бунда тўшалгай пўлат излар, Чин-Мочиндан келар ҳали поездлар.

Оламда бор йўллар равон бўлгуси, Бутун дунё дориламон бўлгуси.

Насим эсса ижодкорлар боғидан — Асар қолмас дарду ҳижрон доғидан.

Худойимнинг Ўзи аввал мададкор, Элу юртнинг эгаси Бош бунёдкор.

Иншооллоҳ, адаб шаҳри бўлгайдир, Илму ирфон, мактаб шаҳри бўлгайдир.

“Боғи Беҳишт” каби об-ҳаволари, Ўсгай бунда келажак даҳолари.

Бир шаҳарким, бағри очик, қадрдон, Бино бўлмиш инсон меҳру қадридан.

Бу эъзозлар, бу олий эҳтиромлар, Келажак минг йиллардадир саломлар.

Обод Ватан осмонлардан тушмайди — Ватан бедор Раҳнамога ўхшайди.

Тарих гувоҳ, замон гувоҳ, эл гувоҳ — Бизнинг улуг ишлардан олам огоҳ.

Юз минг орзу-умидларнинг бағридир, Бу матонат ва ишжаод шаҳридир.

Сирожддин САЙИД, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири

## ПАРЛАМЕНТЛАРАО МУЛОҚОТНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Санкт-Петербург шаҳрида Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан учрашди.

### Учрашув

Мулоқот чоғида парламентлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари, шунингдек, Ўзбекистон парламент делегацияси-

нинг жорий йил август ойида Беларуснинг Витебск вилоятига бўлажак расмий ташрифига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, бўлажак тadbирларнинг ташқиллий ва мазмун жиҳатлари атрофлича кўриб чиқилди. Икки мамлакат маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари иштирокида ҳудудлараро форум, учинчи Ўзбекистон — Беларусь аёллар бизнес форуми, ёшлар парламентлари йиғилишларини ўтказиш ҳақида сўз борди.

Томонлар мамлакатларимиз ҳудудлари, ишбилармон доирала-

ри, ёшлар ва етакчи аёлларни янада яқинлаштиришга қаратилган ушбу тadbирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнига алоҳида эътибор қаратди. Маданий-гуманитар ҳамкорлик, таълим соҳасидаги алмашинувлар, ёшлар сиёсати соҳасидаги қўшма лойиҳаларни урғу берилди. Ўзбекистоннинг “Хотира поезди” ва “Хамдустлик болалари” халқаро дастурларидаги

иштироки, ушбу ташаббуслар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва тарихий хотирани сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, жумладан, сайловларни ўтказиш ва кузатув миссияларида иштирок этиш бўйича тажриба алмашиш масалалари ҳам назардан четда қолмади. Учрашув якунида парламентлараро ҳамкорлик суръатини сақлаб қолиш ва барча даражада эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлиги яна бир бор таъкидланди.

«Халқ сўзи».

### Қонунчилик палатасида



## МУРОЖААТЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилаётганлиги ҳолати тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, одамларнинг дарду ташвишларини эшитиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, давлат органлари ва халқ ўртасида йиллар давомида муқим турган деворлар олиб ташланди.

Ахборотда келтирилишича, жорий йилнинг ўтган даврида вазирлик тизимига жами 11 373 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 2 177 таси вазирлик марказий аппарати томонидан кўриб чиқилган бўлса, қолган мурожаатлар ҳудудий бошқармаларга юборилган ва уларни ихобий ҳал этиш чоралари қўрилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида вазирликка Қонунчилик палатаси депутатларидан 3 та депутатлик сўрови, 77 та турли мазмундаги мурожаат келиб тушган. Уларнинг 37 таси вазирлик масъул таркибий бўлинмалари томонидан ўрганиб чиқилиб, тегишли жавоблар берилган.

Бугунги кунда вазирлик ва ҳудудий бошқармаларда “аҳолини рози қилиш” тамойили асосида мурожаатларни тез ва сифатли кўриб чиқиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлик, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларида жами 229 нафар ходим мурожаатларни қабул қилиш, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши мониторингини олиб боришга масъул этиб белгиланган.

Шу билан бирга, вазир портали ташкил этилган бўлиб, унда ота-оналар, педагог ходимлар ва кенг жамоатчилик учун таклифларни юбориш имконияти яратилган. “Вазирга мурожаат” телеграм бот орқали эса педагог ходимлар тўғридан-тўғри унга мурожаат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, республикамиз бўйлаб ҳар бир туман ва шаҳарда сайёр қабуллар ўтказиб келинапти. Жумладан, 2025 йилнинг биринчи чорагида вазир ўринбосарлари томонидан 12 та туман ва шаҳарда сайёр қабуллар ташкил этилган. Олис ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун эса вазирлик раҳбарияти томонидан онлайн қабул қилиш тизими йўлга қўйилган.

Мунозаралар давомида депутатлар вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда айрим камчиликлар кузатилаётганини қайд этдилар. Хусусан, депутат сўровларига ўз вақтида жавоб бермаслик, вазирликка юборилган аксарият мурожаатлар юзасидан муаллифга ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланаётганини танқид остига олинди.

Депутатлар бу каби ҳолатлар такрорий мурожаатларнинг ортишига, аҳоли томонидан қўрилган муаммолар ҳал этилмай қолишига сабаб бўлаётганини таъкидлаб, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, вазирлик тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини янада яхшилаш, унга масъул бўлган ходимларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Яқунда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Экологик таълим — жамиятда экологик маданиятни тарғиб қилишнинг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Экологик билимлар кунига бағишланган тadbирда сўнгги йилларда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалий натижаларга эришилаётгани ва бу бўйича кўплаб тажрибалар тўплангани қайд этилди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 9-бобида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари бўлган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари билан биргаликда экологик ҳуқуқлари ҳам киритилган. Шунингдек, 49-моддада давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб бериши мустаҳкамлаб қўйилган. “Таълим тўғрисида”ги ва “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар экологик таълимни ёш авлод онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда депутатлар, тегишли вазирлик вакиллари ҳамда мустақил экспертлар маъруза қилди.

Муҳокама чоғида педагогик кадрлар тайёрлаш, экология бўйича интерфаол дастурлар ишлаб чиқиш, таълим муассасалари фаолиятига “яшил” стандартларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, мактаблар ва олий ўқув юртиларида барқарор ривожланиш бўйича факультатив ва танлов курсларини жорий қилиш, экологик таълим бўйича замонавий ўқув-усулбий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш, олий таълим муассасалари ҳузурида барқарор ривожланишнинг ҳудудий марказларини очиш масалалари ҳам диққат марказида бўлди.

Иштирокчилар томонидан экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи билим, қўнимка ва малакаларни таълим тизимига сингдириш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш каби муҳим масалалар юзасидан қонун ҳужжатларига таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

Вакиллик ҳокимияти органлари:

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАР, НАТИЖАДОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА



Қайд этилганидек, 2024 йилда илк бор аралаш сайлов тизими асосида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови мамлакатимизда конституциявий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Вакиллик органларини шакллантиришга оид янгича ёндашувлар Ўзбекистоннинг илгор демократик воситаларини жорий этиш, ҳокимият шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик институтларининг эркин ривожланишини қафолатлашга бўлган қатъиятини кўрсатмоқда.

Халқаро анжуман олти сессияга

бўлинган ҳолда иш олиб борди. Асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш ва парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг сиёсий-ҳуқуқий масалаларига қаратилди. Вакиллик органларини самарали модернизация қилишда халқаро тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, энг илгор хорижий амалиётларни таҳлил этиш ҳамда миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб улардан фойдаланиш масалаларига урғу берилди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини модернизация қилиш ва самарадорлигини оши-

ришнинг устувор йўналишлари ҳам диққат марказида бўлди.

Анжуман якунида янги конституциявий ислохотлар шароитида парламент ва ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятида натижадорликка эришиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар парламент ва депутатлик фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича услубий кўрсатмалар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий моделни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

### Сенаторлар — ҳудудларда

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Чирчиқ шаҳрида жойлашган саноат зоналари фаолиятини ўрганди.

Дастлаб Зангиота туманида ишга туширилаётган “Ostim Global” Ўзбекистон — Туркия саноат зонасига ташриф уюштирилди.

Ушбу лойиҳа 100 гектар майдонни қамраб олган бўлиб, умумий қиймати 150 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Барча муҳандислик тармоғига эга саноат зонасида айни кунларда электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг маълум қисmini қоплаш мақсадида қуёш электр станцияси қурилмоқда.

Кластер тамойили асосида иш олиб борадиган мақсуд саноат ҳудудида мактаб, боғча, коллеж, касб-хунар маркази, шифохона, меҳмонхона, ёпиқ спорт мажмуалари, савдо ва экспо, инновация ҳамда илмий-тадқиқот марказла-

ри қурилиши режалаштирилган. “Ostim Global” — 1967 йилдан буён Туркиянинг Анқара шаҳрида фаолият юритиб келаётган етакчи кластерлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда у 20 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорлик қилади ва Яқин Шарқдаги етакчи саноат ҳамда савдо марказларидан бирига айланган. 5 млн. квадрат метрлик ҳудудда 6,5 мингдан зиёд корхоналар электр станцияси қурилмоқда, 65 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Саноат зонасида хавфсиз ва барқарор иш шароитини таъминлаш мақсадида кириш-чиқиш постлари, қўриқлаш ва ёнгин хавфсизлиги маркази, трансформатор станцияси ҳамда чиқиндиларни қайта иш-

лаш объектларини ўз ичига олган замонавий инфратузилма яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарк фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Ушбу технопарк Ўзбекистон ва Татаристон раҳбарлари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, мамлакатимиздаги биринчи кимё-индустриал технопарк ҳисобланади.

Ҳозирда бу ерда 2 мингга яқин иш ўринлари яратилган бўлиб, йиллиги 15 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Ўрганишлар давомида тadbиркорлар, ишчилар ва саноат зоналари дирекциялари вакиллари билан очик мулоқот ўтказилиб, мавжуд муаммо ва таклифлар эшитилди.

Ишчи гуруҳ томонидан саноат зоналари фаолиятини ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун имконият

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш, тadbиркорларни сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

### Қонун моҳияти

Ислохотларнинг ҳозирги муҳим босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида республикада суғурта бозорининг ролини кучайтириш ва суғурта воситаларини кенг қўллаш тақозо этилаётди. Жумладан, аграр тармоққа жиддий талафот етказувчи иқлим ўзгаришининг кучайиши билан боғлиқ муаммолар тобора глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар табиий офатлар — кучли ёмғир, дўл, сув тошқини, довул ёки зараркундалар натижасида жиддий иқтисодий зарар кўрмоқда.

Биргина 2023 йилги қиш мавсумидаги аномал ҳарорат таъсирида республикадаги 9,1 минг гектар бог ва 4 минг гектар узумзорни совуқ уриши оқибатида 207 минг тонна ёки 8,5 фоиз ҳосил нобуд бўлди ва бу айрим фермерларимиз молиявий аҳолини оғирлаштиргани ҳам бор гап.

Таҳлиллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва

молиявий барқарорлигини таъминлашда хатарларни бошқаришнинг энг самарали усули суғурта эканлигини кўрсатмоқда. Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришга қаратилган турли стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ агросуғурта қишлоқ хўжалигида турли хатарлардан, кўзда тутилганга йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ўзига хос бўлгани сабабли Ўзбекистонда яқин 5 йил давомида қишлоқ хўжалигида ҳосил суғуртаси амалга оширилмай келинаётганди. Ҳозирда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, асосан, кредитни қайтармаслик хавфини суғурталаш амалиётидан фойдаланиланти. Бундай суғурта фақат имтиёзли кредитларнинг қайтарилишига хизмат қилиб, етиштирилмаган ҳосил суғуртасиз қолиб кетмоқда.

Халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, дунёда

қишлоқ хўжалиги суғуртаси кенг жорий этилган бўлиб, 50 дан ортиқ давлатларда ушбу амалиёт алоҳида қонун билан тартибга солинган. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси Испанияда 1978 йил, Туркияда 2006 йил, Озарбайжонда 2019 йил алоҳида қонун асосида татбиқ қилинган.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун айрим муаммоларга чек қўлиб, бу борадаги муҳим масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш ва барқарор даромад олишнинг қафолатлаш учун Қишлоқ хўжалиги суғуртаси жамғармаси ташкил этилади. Уни бошқариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига суғурта шартномаси бўйича етказилган зарар тўлаб берилишини таъминлаш жамғарманинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Жамғарма фаолиятига умумий раҳбарлиқни амалга ошириш учун унинг бошқарув кенгаши ташкил этилади. Кенгаш таркиби етти нафар аъзодан иборат бўлиб, унга Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари раислик қилади.

Юртимизда «Туркистон жадидларининг таълим, маданият ва санъат соҳалари ривожидagi ўрни» номли янги медиалойиҳа амалга оширилади.

# Иқлим ўзгариши хатарлари

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги бугун энг долзарб муаммага айланди. Бу ҳақда саммит ҳамда форумларда гапирилмоқда, таклифлар ўртага ташланмоқда. Яқинда Самарқандда ўтказилган халқаро Иқлим форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам масалага қуйинчаклик билан муносабат билдирди. Бу бежиз эмас.

## Мулоҳаза

Ўтган йили сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати илк бор Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқорироқ кўтарилди. Сўнгги ўн йиллик эса бутун метеокүзатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Бунинг оқибатида иқлим инқирозларининг салбий таъсирлари — ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш микёси ортиб бораётир, музликлар қисқармоқда, сув ресурслари тақчиллиги кучайиб, ҳаво сифати ёмонлашяпти.

Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Минтақа аҳолиси унумдор ерлар тез суръатлар билан қисқариб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Масалан, бугунги кунда минтақадаги умумий ер майдонининг 20 фоиздан ортиғи деградацияга учраган. Чорак асрдан кейин ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиб кетиши мумкин.

Муаммо кўлами кенгайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 млн. гектардан ортиқ чўл ҳудудларида курғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

Тахлилларга кўра Амударё ва Сирдарёда сув оқими камайиши натижасида 2040 йилга бориб Марказий Осиё мамлакатлари юқори даражадаги сув тақчиллиги юқори дуч келади. Боз устига, минтақамиз аллақачон инсониятнинг йирик фожияларидан бири — Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечираётир.

Аммо иқлим ўзгариши чегара билмайди ва унинг оқибатлари бутун дунёда, айниқса, кам даромадли мамлакатларда аллақачон сезилмоқда. Уларнинг кўпчилигида бунга керакли тайёргарлик кўриш учун ресурс етишмайди. Сўнгги бир неча ойнинг ўзида Яқин Шарқнинг бир қисми — Сурия, Ироқ, Эрон ҳам курғоқчиликдан азият чеқди. Шарқий Африка — Кения, Эфиопия, Сомалида эса ҳалокатли сув тошқинлари кузатилди.

Иқлим ўзгариши глобал муаммодир, лекин унинг таъсири нотекис. У мазкур муаммага энг кам ҳисса қўшган ривожланаётган мамлакатларга номутаносиб равишда таъсир этади. Шу боис фаоллар бой мамлакатларни иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва зарарни



камайтиришга ёрдам беришда етакчилик қилишга чакирмоқда.

## Агар шошилинч чоралар кўрилмаса...

Ер сайёраси қизиб бориши билан музликлар эрий бошлади, бу эса океандаги умумий сув микроини оширди. Бунинг устига, океан ҳажми сув исини билан кенгайди ва АҚШнинг НАСА фазо агентлиги океанлар глобал исининг 90 фоизини ўзлаштирганини айтмоқда.

Хисоб-китобларга кўра, атиги 100 йил ичида денгизга сатҳи 160 — 210 миллиметрга кўтарилган. Бу жараён тезлашмоқда ва ўз таъсирини кўрсата бошлади: денгизлар сатҳининг кўтарилиши курғоқларнинг эрозисни тезлашиши ва сув тошқини эҳтимолини оширди. Олимларнинг таъкидлашича, агар шошилинч чоралар кўрилмаса, 2100 йил охирига бориб денгиз сатҳи 2 метргага кўтарилиши мумкин. Бу эса курғоқбўйи ҳудудларида яшовчи миллионлаб одамлар сув остида қолиши мумкинлигини аңглатади.

Шимол мамлакатларида ҳаво илликроқ бўлиши бир қарашда жозибали кўриниши мумкин. Муаммо шундаки, иқлим ўзгаришидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай фойда унинг бутун сайёра учун кенгроқ салбий таъсири олинда ҳеч нарса бўлмай қолади. БМТ ҳисоб-китобига кўра, агар аср охирига бориб ўртача ҳарорат 1,5 даражага кўтарилса, иқлим ўзгариши дунёга 54 трлн. долларга тушади.

Масалан, Яқин Шарқда кишлоқ ҳўжалиги ерлари чўлга айланиши мумкин. Тинч океанидаги орол давлатлар сув остида қолиб кетиш хавфи билан рўйра келади. Африка давлатлари озиқ-овқат танқислигидан азият чекади. Ҳатто Россия каби совуқроқ мамлакатларда ҳам ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлгани учун ўрмон ёнғинлари кўпайиб бормоқда. 2023 йил июль ойида Шимолий Америка, Европа ва Ҳитойда жазирама тўлқинлар кузатилди. Сув тошқинлари ҳам тез-тез юз бермоқда. Бу фалокатларнинг барчаси инсоний ва иқтисодий йўқотишларга олиб келади.

Муаммо Ўзбекистон ва минтақамиз учун ҳам бегона эмас. Сув берадиган музликлар март ойидаёқ

эриб улгурган. Олимлар илк баҳордаёқ 10 даража фарқ билан иссиқ бўлишини ақл бовар қилмайдиган ҳолат сифатида баҳолашмоқда. Гап шундаки, март ойида Марказий Осиёни кўтилмаган иссиқлик тўлқини қоплади. Шу кунларда эълол қилинган янги тадқиқотга кўра, бу иқлим ўзгаришидан жиддий жабр кўраётган кишлоқ ҳўжалиги ва сув таъминотини хавф остига қўяди.

Иқлим ўзгариши ва экстремал об-ҳаво ҳодисаларини ўрганувчи олимлар иттифоқи тадқиқотиға кўра, Марказий Осиёда март ойи давомида ҳаво ҳарорати саноат давригага бўлган ўртача кўрсаткичдан 10 даража юқори бўлган. Гурўҳнинг таъкидлашича, иқлим ўзгариши иссиқлик тўлқинини тахминан 4 даражага оширган. Бу ҳарорат баҳорда ва одатда унча жазирама кузатилмайдиган минтақада содир бўлиши кишлоқ ҳўжалиги ҳосилдорлиги, сув таъминоти ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Хавфли тўлқин ва эҳтимолий оқибатлар

Минтақамизда одамларнинг тахминан ярми кишлоқ ҳўжалигида банд эканлигини инобатга олсак, буни хавфли сигнал сифатида

“Муаммо кўлами кенгайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 млн. гектардан ортиқ чўл ҳудудларида курғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

қабул қилиш мумкин. Март ойида ҳаво ҳарорати энг иссиқ нуқталарда 30 даражага етди — бу март ойи учун гайриоддий ҳодиса.

Иссиқлик тўлқини одатда ўтиш даври ҳисобланган ва кескин об-ҳаво кузатилмайдиган бир вақтда — Қозғистонда бугўдй экилаётган, Ўзбекистон ва Тожикистонда эса мевали дарахтлар гуллаётган пайтда рўй берди. Бу ҳолатнинг эҳтимолий оқибатлари фақат ҳосил билан чекланмайди. У ҳам қамров жихатидан, ҳам вақт жихатидан кенг. Бир ҳафтагина давом этган бундай иссиқлик тўлқини ҳам музликлар эришини тезлаштириши мумкин. Бу эса кўплаб одамларнинг суянчиғи бўлган мавсумий мувозанатни издан чиқарди.

Минтақадаги музликларнинг эриб бориши ҳам катта хавф туғдирмоқда. Марказий Осиё аллақачон сув танқислиги муаммосига дуч келган. Евроосиё тараққиёт банки ҳисоботиға кўра, сўнгги 60 йил ичида Тянь-Шань ва Помир тоғ тизмаларидаги музликларнинг 14 — 30 фоизи эриган. Ва бу ҳодиса бир марталиқ эмас, балки тенденция деб баҳоланмоқда.

Марказий Осиё аҳолисининг умумий сони 80 миллиондан зиёд, ҳудудий салкам Европа Иттифоқиға тенг. Аммо ҳавонинг ифлосланиши, курғоқчилик ва саҳролашиш тобора кучайиши эҳтимоли аллақачон жиддий ташвиш уйғотаётир, 5 миллиондан зиёд аҳоли экологик муҳоржларға айланиши мумкинлиги тўғрисида башоратлар ҳам янграяпти.

Президентимиз ҳам сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши муаммосига алоҳида эътибор қаратиб келаётгани бежиз эмас. Шавкат Мирзиёев БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси томонларининг сўнгги икки анжуманида барчанинг диққатини минтақаға тортгани ҳам шундан. Давлатимиз раҳбари иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида асосий таҳдидға айланиб улгурганини айтмоқда. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосийсий архитектура-сига ҳам таъсир кўрсатаётир.

Ачинарлиси, минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки карра кўп. Сўнгги йилларда фавқулодда иссиқ кунлар сони икки баравар ортган, музликлар майдонларинг учдан бир қисми эриб битган. Минтақа ҳудудида тупроқ емирилиши жараёналари 30 миллиондан зиёд аҳоли

ражадаги сув тақчиллигига дуч келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Саммитда музликлар ҳолатини узлуксиз сунъий йўлдош орқали кузатиш ва минтақанинг тоғ экотизимлари учун хавфларни эрта аниқлаш бўйича “Коперник” дастури доирасида Европа Иттифоқи билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлик билдирилди.

Ўзбекистон муаммо кўлами кенгайишини истамайди. Бу йўлда тегишли чоралар кўриляпти. Хусусан, сув ресурсларини тежаш мақсадида ирригация тизимлари бетонлаштирилмоқда. Сув тежайдиган технологиялар ишлаб чиқариш бўйича саноат базаси яратилди, суғориладиган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологиялар жорий этилди. Бу қарийб 2 млн. гектар ер майдони, демакдир. Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 8 млрд. метр куб суви тежашга муваффақ бўлинди. Агар бу тажриба бутун минтақа бўйлаб ёйилса, шубҳасиз, самараси янада юқорироқ бўлади.

Шу маънода, Президентимиз Марказий Осиёда сув тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги сазй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурни ишға туширишға чақирди. Бу режаларнинг барчасини экспертлар муҳокамасида ўтказиш учун Оролбўйи минтақасида халқаро форум уюштириш мақсад қилинган.

Шунингдек, музликларнинг ҳолати ва минтақадаги тоғ экотизимларида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш учун сунъий йўлдош орқали узлуксиз кузатувларни йўлга қўйиш бўйича “Коперник” дастури доирасида Европа Иттифоқи билан яқин ҳамкорлик яхши самара келтиради. Бу борада Тошкентдаги “Яшил университет” базасида яратилган Иқлим резиденцияси Марказий Осиёда кечаётган иқлим жараёнларини ўргануш ва мониторинг қилиш бўйича умумий илмий-экспертлик платформаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундай чора-тадбирлар кўриляётганиға қарамай олдинда ечимини кутаётган масалалар — суви тежаш, ирригация тизимларини ислоҳ қилиш, ердан фойдаланиш маданиятини ошириш, ажратилётган маблағларнинг талон-торож этилиши ва маъмурий буйруқбозликка чек қўйиш, газга қарамликдан қутулиб, тезроқ “яшил” энергиядан фойдаланишға ўтиш каби жадал амалға оширилиши шарт бўлган ишлар жуда кўп. Уларнинг ечими эса ҳар биримизға — бирдамлигимиз ва ҳамжихатлигимизға боғлиқ.

Зеро, донишмандлардан бири айтганидек, ҳеч бир ҳодиса ўз-ўзиндан бўлмайди. Шундай экан, табиат билан боғлиқ ўзгармас чегараларни бузишға йўл қўймайлик.

## Ўзбекистон муаммо кенгайишини истамайди

Давлатимиз раҳбари Самарқанддаги халқаро Иқлим форумида ҳам минтақа мамлакатлари юқори да-

## Тадбиркорлик

# КАТТА МУВАФФАҚИЯТ КИЧИК ФОЯЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Кичик ва ўрта бизнес саноат рақобатбардошлигининг ўсишиға, инновацияларнинг кучайишиға, иш ўринларини яратишға, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлашға ҳамда ижтимоий ҳимояға сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳар бир йирик компаниянинг ортида кичик бизнес, гоё ва ҳаракат, давлатнинг қўллаб-қувватловчи турибди. Бугунги кундаги йирик тадбиркорлик субъектлари ҳам фаолиятини кичик бизнесдан бошлаб, меҳнатсеварлик, таъаббускорлик ва ривожланишға интилиш, қўлай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиши орқали катта ютуқларга эришган.

Айтиш жоизки, кейинги беш йилда юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони икки баробар кўпайди. Сурхондарё вилоятида ҳам ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 8,6 трлн. сўм кредит маблағи ажратилди. Шундан 23752 та кичик бизнес субъектлари 3 трлн. 886 млрд. сўм кредит маблағлари берилди.

Масалан, Денов туманидаги Қўзқочли маҳалласида қўйлашган “Камфор ПРОФ” МЧЖға 1,2 млрд. сўм миқдориде кредит ажратилганди. Ташаббускор томонидан “Пенопласт ишлаб чиқариш” лойиҳасининг ишға туширилиши натижасида

қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди. Ёки А. Навоий номидаги маҳаллада жойлашган “Фарм Дунё МПКС” МЧЖға 2 млрд. 900 млн. сўм миқдориде кредит олиб берилиши натижасида тадбиркор томонидан тиббий ниқоблар ва қўлқоплар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишға туширилди. Натижада 15 та янги иш ўрни очилди.

Шеробод туманидаги Тароқли маҳалласида яшовчи Ҳасим Боймуродов ҳам ўз хонадониде пластик тўқима стол-стул ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тижорат банкининг имтиёзли 50 млн. сўмлик кредити эвазига оилавий корхонасини кенгайтириб, олтида доимий иш ўрни яратди.

— Интернет орқали пластик стол-стул тўқини ўргандим, — дейди тадбиркор Севара Турсунова. — Турмуш ўртоғим металдан стол-стулларнинг асосини тайёрлаб берса, мен устиға пластик тўқима қоладим. Бугун маҳалладаги олти нафар иш-сиз ёшнинг доимий бандлигини таъминладик. Айни пайтда бир кунда 3-4 жамлама стол-стул тайёрляпмиз. Махсулотимиз харидор-

гир, даромад ҳам шунға яраша. Фаолиятимизни кенгайтириб, махсулотимиз турини кўпайтиришни режалаштиряпмиз.

Деновлик Қурбонали Қозоқов ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, “Қурбонали текстиль” оилавий корхонасини ташкил этди. Оилавий корхона автомобиллар ўриндиғи учун қоламалар ишлаб чиқармоқда.

— Фаолиятимизни бошлаганимизда хомашёнинг барчасини сотиб олардик, — дейди тадбиркор. — Ҳозирги кунда замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик. Натижада махсулотнинг 70 — 80 фоизи ўзимизда тайёрланмоқда. Бир кунда 100-надон ортиқ 15 хилдаги қолама ишлаб чиқарамиз.

Аҳамиятлиси, 2017 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонада дастлаб 5 нафар тикучи ишлаган бўлса, ҳозирги кунда ҳудуддаги 80 дан зиёд хотин-қизлар бу ерда меҳнат қилаётди. Улар ишлаб чиқараётган қолама-лаб маҳаллий бозорда талаб юқори. Ишонамизки, бугун ҳудудлардаги кичик ва ўрта бизнес вакиллариға яратилаётган имконият ва кўрсатилаётган кўмак келгусида уларнинг йирик тадбиркорлик субъектлариға айланишиға асос бўлади.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).



## Фавқулодда ҳолат

## ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

“Reuters” мухбири маълум қилишича, Колумбияда йил бошидан бери 74 кишида сариқ безгак вируси қайд этилган. Соғлиқни сақлаш вазири Гилермо Алфонсо Харамилонинг айтишича, 34 киши вафот этган.

“Энди гап фақат хавфли деб ҳисобланган 388 та муниципалитет ҳақида эмас. Касаллик Амазон, Чоко ва Кататумбо ҳудудларидан қикиб, мамлакатнинг марказий қисмиға ҳам етиб борди. Бу эса бутун жамият учун жиддий хавф тугдиради”, деди вазир.

22 кишида касаллик аниқланган Толима департаментида вазият оғир. Мамлакатнинг марказий-ғарбий қисмидаги мазкур ҳудуд ўзининг қаҳазор боғлари ва чиройли табиати билан машҳур бўлиб, у ерға кўплаб туристлар ташриф буюради.

## «Мамонт чечаги»

## янги пандемияға

## сабаб бўлиши мумкин

“The Telegraph” мухбири хабар беришича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўлимға олиб келувчи “мамонт чечаги” янги пандемияға сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирган.

Айни дамда ҳали аниқланмаган вируснинг тарқалишға тайёргарлик бўйича 15 та давлатда машғулотлар ўтказилди. Гўёки, вирус олимлар ва ҳужжатли фильм ижодкорлари ғуруҳи Арктикадаги музлаган тундрада мамонт қолдиқларини қазиб олганда аниқланган. Касаллик фақатгина коронавирус ёки маймунчечакда бўлгани каби “самарали ва мувофиқлаштирилган жавоб чоралари” билангина назорат остиға олиниши мумкин.

ЖССТ мутахассиси таъкидлашича, иқлим ўзгариши сабабли абадий музликлар эриб бормоқда, бу эса қадимий вирус ва бактерияларнинг юзага чиқиш хавфини оширади. Олимлар мамонтлар ва бошқа ибтидоий ҳайвонларнинг қолдиқларини ўрганар экан, минг йиллардан буён ухлаб ётган микроорганизмлар тирик организмларға таҳдид солиши мумкин, деган хулосаға келган.

“Мамонт чечаги” — ҳозирча реал касаллик эмас. У ЖССТ вакиллари томонидан пандемияға тайёргарлик машғулотлари доирасида ўйлаб топилган фаразий вирус бўлиб, сценарий реал илмий хавотирлар асосида тузилган.

## Мамлакат кум бўрони

## остида қолди

“Aawsa” нашрида хабар беришларича, Ироқда кучли кум бўрони сабабли салкам икки минг киши нафас қисийшдан азият чеқди. Бўрон мамлакатнинг қўллаб ҳудудларида кўриш масофасини нолға тенглаштирган.

Нажаф ва Басра аэропортларида ҳаво ҳаракати издан қикди. Қўринувчанлик ёмонлашгани сабабли Нажафда бешта йўл транспорт ҳодисаси юз берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, бўғилиш аломатлари билан касалхоналарға 700 дан ортиқ кишилар муурожаат қилган. Экспертларнинг фикрича, Ироқда кум бўронлари яна кўпайиши мумкин. БМТ Ироқни дунёда иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўрган бешта мамлакатдан бири сифатида эътироф этган.

## Дипломатик

## миссиялар

## қисқартирилмоқда...ми?

АҚШ Давлат департаментининг ички ҳужжатларига таяниб “The New York Times” нашри мухбири хабар беришича, Оқ уй маъмурияти 10 та элчихона ва 17 та консулликни ёпиш режасини кўриб чикмоқда.

Ҳужжатға кўра чет элдаги қатор ваколатхоналар штати қисқартирилади ёки оптималлаштириш режалаштирилмоқда. Маълум бўлишича, Африка қитъасида жойлашган олтида ва Европадаги иккита элчихона ёпилиши мумкин.

Қайд этилишича, Африкада олтида (ЖАР, Эритрея, Гамбия, Лесото, Конго Демократик Республикаси ва Жанубий Судан); Европада иккита (Люксембург ва Мальта) элчихона; Гренада ва Мальдивдаги дипломатик миссиялар, шунингдек, Францияда — 5 та, Германияда — 2 та, Сербия Республикасида (Босния ва Герцеговинада) — 2 та, Греция, Италия, Португалия ва Эдинбургдаги (Шотландия) бир нечта дипломатик ваколатхоналарни ҳам ёпиш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, Камерун, Индонезия, Жанубий Африка ва Жанубий Кореядаги консулликлар қисқартирилиши мумкин. Могадишодаги элчихона (Сомали) ва Бағдоддаги дипломатик кўмак марказини сезиларли даражада қисқартириш ёки бутунлай ёпиш ҳам режалаштириляётгани айтилмоқда.


Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ жамоаси жамиятнинг Ихро интизомни назорати ва ишларни юритиш бошқармаси бошлиғи Шерзод Рустамовға نادари бузуқворчи

Ҳасанбой РУСТАМОВнинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Шу йилнинг 1-чорағида мамлакатимиз бўйича 10 117 та объектға 197,9 МВт.га тенг кичик қувватли куёш панеллари ўрнатилди.



Дастлаб Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қoшшда Бердақ миллий музейи сифатида очилган ушбу маскан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги қарорига мувофиқ Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи номи билан қайта ташкил этилди. Умумий майдони 1,26 гектар бўлган музейнинг қурилиш лoйиҳаси архитектор Оринбай Торениязов томонидан ишланган.

Музей қадим замонлардаги қорақалпоқ адабиёти тарихидан бошлаб, мустиқиллик даврига қадар босиб ўтилган йўл — халқимизнинг адабий турмуши, мумтоз адабиёт тарихи, унинг ижодкорлари ақс эттирилган экспонатларга боли. Шулардан бири — мрамар тош “Бағишлов” деб номланиб, қўлами 69х50, қалинлиги 10 сантиметрдан иборат. Тошда шеър

шаклдаги, форсий тилда битилган 48 қатор намуна мавжуд ва ҳижрий йил ҳисоби билан 1191 йилга (1771-1772 йиллар) тегишли. У Чимбой туманидаги Хон масжидининг ўрнидан топилиб, музейга келтирилган. Ушбу тошдаги 48 мисрада устозларга, мударрисларга, ўқувчиларга, масжид эгаларига ҳар хил кўрсатмалар баён этилган. Жумладан, “...ўқувчиларнинг хулқ-атворидад бегараз тарзда устоз уни ўқитиши, билим бериши шарт” каби сўзлар ёзилган. Музейнинг асосий фондида ўрин олган иккинчи экспонат — мадали чопон. Бу Бердақ шоирнинг ўзи кийган чопон бўлиб, авлодларидан бўлиши Нукус шаҳрида истикомат қилувчи Амангул Алланова томонидан музейга совға қилинган. — Музей фондининг асосий манбаи халқимиз узоқ асрлар мобайнида

Қорақалпоғистонда тарихий музейлар кўп. Улардан бири — Нукус шаҳридаги Бердақ номи Қорақалпоқ адабиёт тарихи давлат музейи. У Бердақ Фарғабай ўғлининг 170 йиллик юбилеи муносабати билан қурилиб, 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

## МОЗИДАН СЎЗЛОВЧИ МАСКАН

авайлаб асраб келган араб, форс-тожик, туркий ва эски қорақалпоқ тилларида ёзилган қўлёзмалар, тошбосма китоблар, қорақалпоқ мумтоз адабиёт нэмояндалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёт тарихи давлат музейининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Руслан Арзиев. — Улар барча шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳаллалардаги фидойиларнинг ўз уйларида ҳозирги кунга қадар авайлаб келинган турли ноёб маданий ашёларни музейга олиб келиб топширишлари орқали йиғилган бебаҳо моддий мерос ҳисобланади. Музейнинг қўлёзма ва тошбосма китоблар фондида ҳозирги кунда 300 дан ортиқ эски араб ёзувидаги китоблар сақланмоқда. Улар орасида Бердақнинг “Шайхара” ва “Хоразм” асарлари қўлёзмаси, икки варақдан иборат Ажиниёз шоирнинг “Қиз Менеш билан айтишуви” ҳам музей экспози-

циясидан ўрин олган. Ажиниёз шоирнинг “Фоний дунёга айтгани” шеърлари ва Қудайберген Жебеген ўғлининг “Мардикор” асари қўлёзмаси музейнинг асосий фондида сақланади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсуповнинг шахсий кутубхонасидан 2000 дан ортиқ китоблар, Ўзбекистон халқ шоири Т. Жумамуратовнинг уйда сақланиб келинган юздан ортиқ буюм, китоб ва ҳужжатлар ҳам шу ердан ўрин олган. Дунёдаги машҳур музейлар билан мустақам ҳамкорлики йўлга қўйганмиз. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистондаги музейлар билан ўзаро шартномалар имзоланган. Утган йили В. Даль номидаги Россия давлат адабиёт тарихи давлат музейи билан биргаликда “Адабиёт ва музей дунёсидagi таржималар хазинаси” мавзuida халқаро илмий конференция ташкил этилди. А. Тарковский таржимаси-

даги “Қирқ қиз” достони қайтадан нашр қилинаётгани қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Анжуман давомида қорақалпоқ ёзуви-шоирларининг рус тилидаги китобларидан нусхалар олиш бўйича ўзаро келишувларга эришилди. — Нукусдаги ушбу музей қорақалпоқ адабиёти, маданияти тарихидан маълумот берувчи маскан ҳисобланади, — дейди Туркиянинг Нехметдин Эрбакан университети профессори Бирол Мержан. — Музейда сақланаётган эски қўлёзмалар, қорақалпоқ мумтоз адабиёт нэмояндалари Қунхожа, Ажиниёз, Бердақ иходи, уларнинг асарлари билан яқиндан танишдим. Ўртимизга қайтган музейдаги ноёб экспонатлар ҳақида маълумот бериш билан бирга, туркиялик сайёҳларни ҳам ушбу тарихий музейга саёҳат қилишга ундаймиз.

Файрат ОТАЖОНОВ  
(«Халқ сўзи»).

### ■ Ибрат

## САҲРОДА БОҒ ЯРАТАЁТГАНЛАР

Хивалик Отаназар ота Пирназаров бу йил саксон беш баҳорни қаршилади. Отаҳоннинг бутун умри деҳқончиликда ўтди, шундан ўттиз йилдан зиёд ширкат ҳўжалигига раҳбарлик қилди. Халигача қўчат экиш, боғ яратиш Отаназар отанинг энг сеvimли машғулоти. Эътиборлиси, бугунги кунда адабиёт мухлисларининг қадами узилмайдиган Хиванинг Қиёт қишлоғидаги “Оғажой боғи” ҳам Отаназар отанинг ташаббуси билан барпо этилган.



— Хоразм Қорақум ва Қизилқум сахроси ўртасида жойлашган яшил воҳа саналади, — дейди Отаназар ота. — Илгари бу ҳудудда тўқайзорлар кўп эди. Янги ерлар ўзлаштирилиши билан табиий тўқайзорлар қисқариб, дарахтлар сони камайиб кетди. Воҳанинг ҳайвонот дунёси, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, умуман, ҳаёт тарзи яшиллик билан боғлиқ. Президентимизнинг ташаббуси билан 2021 йилдан буён ҳар йили “Яшил макон” умуммиллий лoйиҳаси доира-сида экилаётган мевали ва манзарали қўчатлар вилоятимиз экологияси, атроф-муҳит мусофдоғлигини сақлаш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Утган йилда “Яшил макон” умуммиллий лoйиҳаси доира-сида вилoят бўйича 17,3 млн. тул мевали ва манзарали қўчат экилди. Ҳар бир шаҳар ва туманда биттадан намунавий Экология кўчаси, “Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат паркири” барпо этилди.

— Қўчат етиштирувчи ҳўжаликлар, ободонлаштириш бошқармалари, Хоразм ўрмон ҳўжалигида, асосан, вилoятимиз тупроқ ва иклимига мос гўжум, терак, тол, тут, япон софoраси каби манзарали дарахт қўчатлари мавжуд, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Хоразм вилoяти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Камолиддин Шерматов. — Манзилли дастурда белгиланган режани орғиғи билан баҳарши учун барча имконият етарли.

Халқимизда “Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб” деган нақл бор. Мақсад қўчатларни фақат экиш эмас, уларни парвар-ришлаш, сугориш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратил-моқда. Яқинда Урганч — Шовот автомагистраль йўлининг икки томонига 6 — 8 қатор қилиб қўчат экиб, янгича усулда сугориш тизими ташкил қилинди. Урганч шаҳрида Шовот каналининг иккала соҳилида ўзига хос ландшафт дизайни асосида яшил ҳудудлар, йирик саноат қорхоналари жой-лашган Саноатчилар кўчасида “яшил белбoғ”лар яратилди. — “Яшил макон” умуммиллий лoйиҳасини амалга оши-ришда маҳаллалар асосий куч ҳисобланади, — дейди Ўзбе-кистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилoяти бошқармаси бошлиғи Одибек Ортиқов. — Янги маҳалла боғларини иж-тимой ҳўмига муҳтож оилаларга бириктириш орқали улар-нинг даромадини ошириб, камбағалликдан чиқариш мум-кин. Яқинда вилoятдаги катта йўлларнинг чеккаларини ши-сиз аҳолига қасаначилик асосида бириктириб бердик. Бу билан йўл чеккалари кўкалмозор, ҳар бир қўчат эса эгали бўлади.

Теварак атрофи ялоқч қўлдан иборат воҳа шароитида қўм кўчишининг олдини олишда саксовулзорлар муҳим ўрин тутади. Шу боис қўл ҳудудларида саксовул уруғларини экиш-га алоҳида эътибор қаратилади. Богот туманида яшовчи табиат конюкери Улугбек Иброҳимов бир неча йиллардан буён саксовул уруғларини йиғиб, экиш учун Оролбўйи ҳуду-дига етказиб беради.

— Маҳаллий шевада “созoқ” деб аталувчи ушбу дарахт қўлнинг ҳақиқий кўрки ҳисобланади, — дейди Улугбек Иб-роҳимов. — Саксовулнинг аҳамиятли томони, унинг илдиз-лари қўм барханлари шамолда кўчиб юришининг олдини оли-лади. Мутахассислар фикрича, битта саксовул бир йилда 4-4,5 тоннагача қўм барханларини ушлаб қолади.

Саксовулнинг атроф-муҳит ҳавоси мусофдоғлигини таъ-минлашда ҳам хизмати беқиёс. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовулзор ўртача 1000 метр қўм кислород ажра-тиб чиқаришини эътиборга олсак, буни бемалол “тоза ҳаво фабрикаси” деб аташ мумкин. Демак, бугун воҳа кенглик-ларида барабз ўсаётган саксовул ўрмонлари қўм кўчиши-дан асровчи, қўл ҳайвонлари учун ўзига хос бошлана ва озуқа вазифасини ўтовчи “яшил қалқон” ҳисобланиши би-лан аҳамиятлидир.

Одибек ОДАМБОВ  
(«Халқ сўзи»).

“Янги йўл” маҳалла фуқаролар йиғини Риштон туманидан 50 километр олисда жой-лашган. Ҳудуддаги 520 та оилада 865 нафар хотин-қиз истикомат қилади. Улар билан иш-лашда ўзига хос ёндашувлар талаб этилади. Айтайлик, маҳаллада намунавий лoйиҳалар асосида уйлар қурилган. Бу ерда яшовчи оилалар тез-тез янгилиниб туради. Қолавер-са, ҳудудда вилoятнинг бир неча туманлари-дан келиб яшовчи оилаларни учратиш мум-кин. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Гулбаҳор Қорабoеванинг айтишича, ўтган йили ик-кита ажрим бўлган. Шу йилнинг дастлабки уч ойида ҳудудда биронта ҳам ажрим қайд этилмади. Хотин-қизлар фаоли бундай иж-обий кўрсаткичини йил давомида сақлаб қолиш-ни мақсад қилган.

Нима ҳам дердик, муштарак мақсад йўли-да ҳамжиҳат маҳаллада ҳар қандай муаммо-нинг олдини олиш имконияти мавжуд. Ҳамма га — тўтовликда, амалий ҳаракатга боғлиқ. Назаримизда, ажримларнинг олдини олиш, гўдаклар тирик етим бўлиб қолмаслиғи учун маҳалла Фармонбилларининг тажрибасидан унумли фойдаланиш зарур.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Эртанинг умиди ИҚТИДОРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИГАН МАКТАБ

Ўртимизда ёшларнинг истеъдодини ривожлантириш ва уларни касбга йўналтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Баркамол авлод” болалар мактабларида бу борада қўлай шароит ва имкониятлар яратилди. Касбий таълим тизимида самарали услублар йўлга қўйилди.



— Ўғил-қизларимизни касбга тўғри йўналтиришдаги энг асосий мезон, аввало, улардаги иқтидор ва қизи-қишни билишдан иборат, — дейди Сирдарё вилoяти “Баркамол авлод” болалар мактаби директори Олия Турдиева. — Зеро, бола борки, ҳар бирида қандайдир касб, соҳа бўйича оз бўлса-да, иқтидор мавжуд. Бугунги кунда “Баркамол авлод” болалар мактаб-лариға келаётган ҳар бир ўқувчи ана шу тарзда, яъни ўз қизиқиши ва иқтидорига мос касбларни ўрганишга йўналтирилмоқда.

Айтиш лoзимки, ҳозирда мақзур муассасаларда бо-лаларга тавсия этилаётган касблар бир вақтдагиёқ бар-моқ билан санарли эмас. Ўқувчиларнинг уларга қатъови-да ҳам ўсиш бор. Масалан, ўтган йилда вилoят ва ту-ман-шаҳарлардаги бу каби мактабларда 7 минг 142 на-фар ўқувчи етти йўналишдаги 276 та тўғарақда таҳсил олган бўлса, ҳозир 8 минг 296 нафар ўқувчи етти йўналишдаги 294 та тўғарақда ўз қобилиятларини ривожлантирилмоқда.

Бугун касблар мундарижаси анча кенгайган. Аньана-вийлари қаторига “келажак касблари” деган замонавий мутахассислик ҳамда хўнарлар ҳам қўшилди. Янги йўна-лишлар пайдо бўлди. Масалан, ўқувчилар технология ва инновация йўналишида робототехника, дастурлаш ҳамда конструкторлики ўрганмоқда. Касб-хўнар ва санъат йўна-лишидагилар тикувчилик, каштачилик, ёғоч уймакорли-ги, керамика санъати, миллий либос дизайни, хўнар-мандчилик бўйича амалий кўникмаларга эга бўлмоқда.

Шунингдек, ўқувчиларнинг халқаро ва республика тан-ловлари, илмий-амалий конференциялар, лoйиҳалар ва фестивалларда иштироки уларга ўз билим ва кўникма-ларини амалиётда синаб қўриш имкониятини бермоқда. Мақзур мактабларда касб ўрганаётган, турли соҳалар бўйича истеъдодини ривожлантираётган кўплаб ўқувчи-лар нуфузли танловларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Болами, катта ёшдаги кишими, ҳар ким меҳнати ва иқтидорига яраша эътирофдан ўзига бўлган ишончи янада ортади, — дейди Олия Турдиева. — Ўқувчиларимизнинг турли танловларда иштирок этиши ва ғолиб бўлиши ҳам кўзлаган натижага эришишимизда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, вилoятдаги болалар мактаблари таълим жа-равёнини инновацион услублар, интерфаол технология-лар ва амалий машғулотлар асосида ташкил қилиш бўйи-ча илгор тажрибага эга. Ҳар бир касб-хўнар бўйича шу соҳанинг етук мутахассис-педагоглари мураббийлик қил-моқда. Илмий, техник ва маданий йўналишдаги лoйиҳа-ларимиз ёшларнинг ижодий салоҳиятини ошириб, улар-нинг келажак касбларига тайёргарлик қўришига имкон яратмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад — ёш авлодни интеллектуал, ижодий ва касбий жиҳатдан етук этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Кундаги «жон бағишлаган» кандакор аёл

Одатда, қуриган дарахт ўтин сифатида ишлатилади. Бир қарашда қуриган дарахтнинг қисмати шу — ёнмоқлик. Аммо бухоролик кандакор уста, наққош Гулчехра Ҳамидова бошқача фикрда. У қуриган дарахт танасига бетақор халқ амалий санъати намуналарини яратиш воситаси, деб қарайди.

### ■ Офарин!

— Бунинг учун ёғоч керакли ўлчамда кеси-лади. Юзасига ишлов берилиб, силлиқлашти-рилади, — дейди у. — Шундан сўнг мусав-вирлик маҳоратини ишга соласиз. Кўриб турганингиздек, ёғоч юзасида мана бундай миниатюра асари яратиш, қадимий ёдгор-ликлар ёки она табиат манзаралари тасвири-ни тушириш мумкин. Экологик тоза хомашё-да яратилган бундай совғабоп бадий буюмлар сайёҳларга маъқул тушади, албат-та. Улар меҳмонхона, ресторан, офисларда ўзига хос безак вазифасини ҳам ўтади.

Гулчехра опа кўна Бухорода, кандакор уста Ҳамидовлар хонадонида туғилиб во-яга етган. Бу сулола тарихи 200 йилдан оша-ди. Чунонки, Ўзбекистон халқ рессоми Са-лимхон Ҳамидов ўтган асрда Бухоро кан-дакорлик мактабининг забардаст вакили саналган. Гулчехра опанинг отаси Анвар ота ҳам ярим асрдан зиёд кандакорлик қилган.

Сирасини айтганда, кандакор аёллар бармоқ билан санарли даражада оз. Бу хўнар билан, асосан, эркаклар шуғуллани-шади. Кандакорлар оиласида вояга етгани боис қарамонимизда шу хўнарға меҳру му-ҳаббат эрта уйғонган.

— Биласиз, кандакорлик дейилганида, мис, латуи каби металл буюмларға ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш тушириш тушунилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Илк устозим — отам. Бу хўнар сирини пухта ўрганмоқни ният қилган киши яхшигина мусаввир бўлиши, композиция танлай олиши, нақшлар маъму-моҳиятини идрок этиши, геометрия, адабиёт, тарихни билиши керак. Отам бошланғич



синфларда ўқиб юрган пайтимдаёқ мени Бухоро шаҳридаги “Абру баҳор” тасвирий санъат маркази раҳбари, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Раҳим Ҳакимов ҳузурига олиб борган. Урта мактабни тугатгач, олий ўқув юртида бадий графика йўналишида ўқидим. Бухоро кандакорлик мактабининг бадий буюмлари шақлнинг соддалиғи, нақшлари-нинг нафислиғи билан ажралаб туради. Бу мактаб боғидан гул термоққа шайланган, кандакорлик этагидан тутган одам нозик нақшлар билан тиллаша олиши зарур. Унда кўриш қобилияти кучли бўлмоғи даркор. Од-дий мис ёки латуида санъат асари ярат-моқ осонмас. Қўл меҳнати махсуси санал-ган бундай буюмлар сабру тоқат, чидам, қалб ҳарорати, кўз нуруни талаб қилади. Гул-чехра опа юракдан берилиб ишлайди.

Кандакорнинг фикрича, хўнар сир-асро-рини эгаллаган ёшлар ҳаётдаги энг чигал, мураккаб юмушга ҳам осонлик билан енчи топа олади. Мўҳими, турмуш синовларига бардошли бўлиб вояга етади.

Гулчехра Ҳамидова аини пайтда Когон шаҳридаги 2-мусиқа ва санъат мактабининг театри, тасвирий ва амалий санъат бўлими



раҳбари вазифасида ишлаб, ўнлаб ёшлар-га мураббийлик қилапти. Кўплаб шоғирд-лари шу хўнар ортидан борака топяпти, олий ўқув юртларида таҳсил оляпти. Яқин-да мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган “Биз бахтли болаларимиз” танловида шоғир-ди Биллур Бозорова фахрли 2-ўринни эгаллаб, халқаро миқёсдаги тадбирнинг Боку шаҳрида ташкил этиладиган яқний босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Айтмоқчи, Гулчехра опа нафақат канда-кор, балки наққош, мусаввир, дизайнер ҳам-ди. Уни миллий ва замонавий либослар тайёрлаш устаси сифатида ҳам билишади. Буларнинг барчаси иш фаолиятида жуда асқатмоқда.

— Ҳар бир болага унинг қизиқиши, пси-хологиясидан келиб чиқиб муносабатда бўламиз, — дейди педагог. — Ундаги қоби-лиятни юзага чиқариш асосий вазифамиз-ди. Халқ амалий санъатини кадрлайдиган, ҳаётдаги аҳамиятини чуқур англайдиган ота-оналар фарзандларини ҳузуримизга бошлаб келади.

...Ўчоқча эмас, ижодкорнинг қўлига туш-ган дарахт танаси бўлакларига келсак, Гул-чехра опа уларни энг иқтидорли шоғирдла-рига улашяпти. Натижада ёш мусаввирлар устозлари кўмағида оддий таравага “жон бағишламoқда”. Бадий буюм ҳўлига кел-гач, улар кўрғазмага қўйилади.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Маҳалланинг Фармонбиллари, қаердасиз?



Ўтган йили Фарғона вилoятида 4821 та оилавий ажрим қайд этилиб, 3 минг 540 нафар бола тирик етим бўлиб қолди. Тўғри, ажримлар сони бир йил олдингиға қараганда мингтаға камайган. Аммо қутилмаганда битта боланинг ҳам ота ёки она меҳридан жудо бўлишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

### ■ Таассуф

Афсуски, ажримларнинг қарийб ярми ёш оилалар ҳиссасига тўғри келди. Ажрашиб ке-таётганларнинг деярли 33 фоизини 30 ёшга-ча бўлганлар ташкил этаётди. Демак, ёшлар-ни оилаға тайёрлаш, янги келин-куёвлар би-лан кўпроқ ишлаш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

— Ҳафтанинг ҳар шанбаси “Оқил оила куни”, ҳар ойнинг охириги душанбаси “Оилавий аж-римларға қарши курашиш куни” сифатида бел-гиланган, — дейди Фарғона вилoяти ҳўким-и ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқар-маси бошлиғи Комила Кавлонова. — Ойлик доирасида ажрим учун ариза ёзган 520 та

оила яраштирилиб, 817 нафар болажон етим-ликдан асраб қолинди. 17 худудда маънавий-маърифий тадбирлар, юзма-юз учрашувлар уюштирилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини оши-риш мақсадида шаҳар-туманлар, маҳаллалар кесимида фаолият кўрсатувчи “Оқила аёл-лар” ҳаракати, Оилавий қадриятларни мус-таҳкамлаш комиссияси таркиби қайта кўриб чиқилиб, жамиятдаги фаол ва фидойи зиё-лилар, қайовни онахонлар ҳисобига янгилан-ди. “Оқила аёллар” ҳаракатига элу юртда юксак ҳурматга сазовор бўлган 11,5 минг на-фар опа-синглимиз жалб қилинди. “Маҳалла

еттилиги” билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйил-ди. Айни жараёнда ижтимоий тармоқ имко-ниятларидан унумли фойдаланиш мақсадида “Фарғонанинг оқила буюжонлари” гуруҳи ташкил этилди. Унда мунтазам равишда он-лайн мулоқотлар, мутахассислар ва психо-логлар чиқишлари, нуруний буюжонларнинг панду насихатлари бериб борилмоқда. Шун-дай бўлса-да, Фарғона, Қўқон ва Қувасой шаҳарлари ҳамда Данғара тумани оилавий ажримлар сони кўплиғи учун “қизил ҳудуд” тоифасида қолиш ачинаридир.

— Маҳалладаги 1007 та оилада салкам икки минг хотин-қизлар истикомат қилади, — дей-ди Бувайда туманидаги “Урганчи” МФЙ хо-тин-қизлар фаоли Сайёра Олимова. — Ўтган йили фаолларимиз билан бирға ўнга яқин аж-римларнинг олдини олишға муваффақ бўлдик. Шу боис йил мобайнида бирорта ҳам оила-вий ажралиш қайд этилмади. Ажралишлар-нинг олдини олишда қайовни онахонлар — маҳалламиз Фармонбиллари кўмакдош бўлмоқда.

Хоразм вилoятида «Соғлом инсон — соғлом миллат — Урганч 2025» форуми бўлиб ўтди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**Девонхона 71-259-74-51; кoпибeт 71-259-74-53;**  
**эълoнлар 71-259-74-45.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислoм Қаримов кўчаси, 55-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.**  
**Мусаҳҳиҳ — С. Ислoмов.**

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.38 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.